



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI OQDARYO TUMAN HOKIMINING QARORI

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko'chasi 39-uy.

20 21-yil 19 - fevral

56-Q -son

Loyish sh.

Оқдарё туман ҳудудидан ўтувчи Ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган М-37 “Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” автомобил йўлининг 6 километри оралиғи ўнг томонидан “Ҳожатхона ва Тахоратхона” шахобчаси қуриш учун 100 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш ва ташкил этиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2011 йил 26 декабрдаги № 342 -сонли қарори ҳамда Самарқанд вилоят Автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармасининг 2020 йил 14 февралдаги 02-11/16-сонли техник шарти, Самарқанд шаҳар Сузангарон маҳалласида яшовчи фуқаро Рашидова Матлуба Мухамадиевнанинг туман ҳокими номига ёзган аризаси ва туман ҳокимлиги қошидаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 30 октябрдаги далолатномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6-25-моддаларига асосланиб;

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Оқдарё туман ҳудудидан ўтувчи Ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган М-37 “Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” автомобил йўлининг 6 километри оралиғи ўнг томонидан “Ҳожатхона ва Тахоратхона” шахобчаси қуриш учун 100 кв.метр ер майдони ажратиш тўғрисида туман ҳокимлиги қошидаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 30 октябрдаги далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Рашидова Матлуба Мухамадиевнага Оқдарё туман ҳудудидан ўтувчи Ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган М-37 “Самарқанд-Бухоро-Туркманбоши” автомобил йўлининг 6 километри оралиғи ўнг томонида жойлашган 100 кв.метр ер майдонидан “Ҳожатхона ва Тахоратхона” шахобчаси қуришга рухсат берилсин.

3. Фуқаро Рашидова Матлуба Мухамадиевна зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин.

- “Ҳожатхона ва тахоратхона” шахобчаси бинолари қуриш учун АРТ ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб, вилоят Қурилиш Бош Бошқармаси ҳамда вилоят ИИБ ЙҚХБ билан келишиш;


- “Ҳожатхона ва тахоратхона” шахобчаси биноларини белгиланган шаҳарсозлик талаблари асосида келишилган АРТ ва тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари асосида қуриш;

- Лойиҳани экспертизадан ўтказиш ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рухсатнома олиш;

4. Ер участкасини натурага кўчириш ишлари “Ўз ГАШКЛИТИ” ДУКнинг ваколотидаги ваколатхонаси билан биргаликда амалга ошириш туман бош Архитектору (Ж.Абдуллаев) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими бошлиғи (В.Муродов)лар зиммасига юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

 Н.Сулаймонов

Р.Аролов



Ж.Абдуллаев



В.Муродов



Ж.Абдуллаев



Н.Абдулов

